ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«БИНО ВА ИНСШОАТЛАР ҚУРИЛИШИ» КАФЕДРАСИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Қарши шаҳридаги 18 квартирали турар-жой биносини лойиҳалаш»

**Талаба: 122-07 Б ва ИҚ гуруҳи талабаси**
**Ходжиев Элёр**

**Жиззах-2011 й.**

# КИРИШ

Мустақиллик ҳалқимиз, миллатимиз тараққиёти учун кенг уфқлар очиб берди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бор куч қудратини демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамият қуришга йўналтирилган. Мустақилликни мустаҳкамлаш, биринчи ғоявий-сиёсий етуклигига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олганликларига ҳам бевосита боғлиқ. Мустақил фикрлай оладиган, дунёқараши ва тафаккури кенг ҳақиқий инсонлар юртимиз тақдирини ҳал қиладилар. Шунинг учун ҳам келажакка муносиб бўлган маънавий бой ва етук кадрларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим муаммолари сирасига киради.

Ёшларнинг интелектуал қобилиятлари ва имкониятларини юзага чиқариш муаммоси, уларни маънавий камол  топтириш, меҳнат фаолиятида шаҳсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш, Ватан тараққиёти эҳтиёжларини англаб яшашга, самарали меҳнат қилишга ўргатиш,ижтимоий фаоллигини ошириш жамиятимиз олдига муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини қўймоқда. Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ислоҳотларини амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашивуни рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кишилар яшашининг асосий моддий шароитларидан бири турар  жойдир. Турар жой масаласи жамиятнинг социал  иқтисодий ҳолати билан ўрганиладиган долзарб муаммодир.

Бу айниқса жамият қурилишида аниқ ўз аксини топади. Ҳозирги вақтда турар жойга бўлган эҳтиёжни қондирилиши

жамиятнинг ҳар бир аъзосини шахсий ишидир. Турар жой масаласи қийин бўлишига қарамай бу муаммони ҳал қилиш керак. 1997 йилда кишиларнинг турар-жой шароитлари ва уни ўраб турган муҳитга бағишланган БМТ конференциясида турар жой муаммоси ўткирлиги таъкидланган ва шундай хулосага келишдики буни ҳал қилиш учун янги шартлардагина амалга ошириш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабпти билан турар жой масаласини барқарор қилиш яхши йўлга қуйилмокда. Ҳар бир оилани тўла-тўкис квартира ёки алоҳида уй билан таъминлаш масаласи ўзининг масштаби бўйича жуда кенгдир. Турар жойни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш зарур. Кўп шаҳарларда экологик ҳолат бўзилиб кетди.

Турар жой қурилишини шаҳарда жойлаштириш, уйлар мослигини саралаш кўп жиҳатдан шаҳар қурилиши ва хўжалигиги муҳандисига боғлиқ. Шаҳар турар жой қурилишининг янги сифат даражасини ошириш уй қурилиши, индустриал технологиясининг реконструкция қилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шу билан биргаликда янги уйлар қурилиши билан олдиндан қурилган биноларни таъмирлаш муҳим масаладир. Бино ва иншоотларни қайта тиклаш-уларни тўлиқ ёки қисман, функционал моҳиятини ўзгартиришнинг янги қурилаётган биноларини яхшилаш ўсиб бораётган замонавий нормадаги талабаларга тўғри келадиган биноларни қуриш мақсадида амалга оширилади.

Қайта қуриш - қайта режалаштириш биноларнинг баландлигини оширишни, қурилмани алмаштириш ва қисман таҳлил қилиш, ҳамда устига ва туташ бино қуришни, бинонинг фасадларини яхшилашни ўз ичига олади. Қайта қуриш ёки қайта

тиклашга ажратилган капитал маблағларни ўсиши Республикамизда 1991 йилда бошланган.

Инвестиция ва социал сиёсатга боғлиқдир. Ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш масаласи худуд, етишмаслик ва коммунал яшаш шароитида социал демографик талабларига ва қулайлик нормативларига жавоб бермаслиги бинонинг таъмирлаш ҳажмини оширишни талаб қилади. Бу биринчи навбатда Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкентда 1950-60 йиллардаги турар жой биноларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш жуда долзарб масала, шу сабабли бизнинг бу битирув ишимиз шу муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Мустақилликка Ўзбекистон эга бўлгандан сўнг Тошкент том маънода бунёдкордик марказига айланади. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди. Кейинги йилларда барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустаҳкам кўприклар, кўкаламзор боғлару, майдонлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турибди. Бунга мисол қилиб. Сайилгоҳ, яъни Амир Темур хиёбони, Мустаҳкамлик майдони, Ҳалқлар Дўстлигидаги, Алишер Навоий майдони, истироҳат боғлари ва шунга ўхшаш кўпгина жойларни олиш мумкин.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг жамият бошқарувидаги мавқеини ошириш масаласи ҳақида гапирар экан, Ислом Абуғаниевич Каримов нодавлат жамоат идоралари орасида ҳалқимизнинг миллий табиати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг ўрни беқиёслиги, буни пойтахтимизда ташқил этилган 445 та маҳаллаларнинг фаолиятларидан яққол кўриш мумкинлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов пойтахт коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кейинги йилларда жуда кўп ишлари қилинганлиги ҳақида айтиб ўтди. Шаҳар бўйича иситиш тармоқлари 2000 километрга, водопровод тармоқлари 500 километрга, канализация қувурлари эса 1000 километрга ўзгартирилди. Тошкент ГРЭС идан иситиш марказларига 15 километр узунликда сув қувури тортилиши натижасида Юнус Обод туманидаги хонодонларни иссиқ сув билан, йирик сув тақсимлаш тармоғини ишга тушурилиши туфайли эса Чиланзор ҳамда Акмал Икрамов туманларининг аҳолиларини ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди.

## Меъморчилик қурилиш қисми

Кишилар яшашининг асосий моддий шароитларидан бири турар-жойдир. Турар жой масаласи жамиятнинг социал-иқтисодий ҳолати билан ўрганиладиган долзарб муаммодир.

Бу айниқса жамият қурилишида аниқ ўз аксини топади. Ҳозирги вақтда турар жойга бўлган эҳтиёжни қондирилиши жамиятнинг ҳар бир аъзосини шахсий ишидир. Турар жой масаласи қийин бўлишига қарамай бу муаммони ҳал қилиш керак. 1997 йилда кишиларнинг турар-жой шароитлари ва уни ураб турган муҳитга бағишланган БМТ конференциясида турар жой муаммоси ўткирлиги таъкидланган ва шундай хулосага келишдики буни ҳал қилиш учун янги шартлардагина амалга ошириш мумкин. Хақиқатдан ҳам Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан турар жой масаласини барқарор қилиш яхши йўлга қўйилмокда. Ҳар бир оилани тўла-тўкис квартира ёки алоҳида уй билан таъминлаш масаласи ўзининг масштаби бўйича жуда кенгдир. Турар жойни ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш зарур. Кўп шаҳарларда экологик ҳолат бўзилиб кетди.

Турар жой қурилишини шаҳарда жойлаштириш, уйлар мослигини саралаш кўп жиҳатдан шаҳар қурилиши ва хўжалиги муҳандислигига боғлиқ. Шаҳар турар жой қурилишининг янги сифат даражасини ошириш уй қурилиши, индустриал технологиясининг модернизация қилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шу билан биргаликда янги уйлар қурилиши билан олдиндан қурилган биноларни таъмирлаш муҳим масаладир. Бино ва иншоотларни қайта тиклаш - уларни тулиқ ёки қисман

функционал моҳиятини ўзгартиришнинг янги қурилаёттан биноларини яхшилаш ўсиб бораётган замонавий нормадаги талабаларга тўғри келадиган биноларни қуриш мақсадида амалга оширилади.

Реконструкция қилиш - қайта режалаштириш биноларнинг баландлигини оширишни, қурилмани алмаштириш ва қисман таҳлил қилиш, ҳамда устига ва туташ бино қуришни бинонинг фасадларини яхшилашни ўз ичига олади. Қайта қуриш ёки қайта тиклашга ажратилган капитал маблағларни ўсиши республикамизда 1991 йилдан бошланган.

Ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш масаласи худуд етишмаслик ва коммунал яшаш шароитида социал демографик талабларига ва қулайлик нормативларига жавоб бермаслиги бинонинг таъмирлаш ҳажмини оширишни талаб қилади. Бу биринчи навбатда Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкентда 1950 — 60 йиллардаги турар жой биноларини қайта қуриш ва модернизация қилиш жуда долзарб масала, шу сабабли бизнинг бу битирув ишимиз шу муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Эски биноларнинг кўпчилик аввало бир - биридан ўтувчи яшаш хонани, санитар техник хоналарнинг йўқлиги, хонани етарли даражада ёритилмаслиги, қуёш нуринииг яхши тушмаслиги билан ҳарактерланади. Ўзининг моҳиятига, қаватлилигига ва яшаш биноларини қурилиш материалларига қараб синф ва турга ажратилади.

Моҳиятига кўчиб ўтган аҳолнни сонига ва яшаш вақтига қараб турар-жой бинолари 4 та турга бўлинади.

а) доимий яшаш ва оилавий яшаш учун қурилган турар -жой

бинолари;

б) вақтинчалик ишловчи ишчилар учун ва вақтинчалик ўқув ёшлар учун ётоқхона;

в) қария ва инвалидлар учун доимий яшаш интернатлари;

г) меҳмонхона.

Яшаш жойларини қуришда биноларнинг асосий тури (90%) хонали уйлар оилавий яшаш учун мулжалланган. Бизнинг битирув ишимиз ҳам хонали уйларга мўлжалланган яшаш биноларини лойиҳалаш нормага тўғри келишга қараб (КМваН 2.08.01-94) 4 та турга бўлинади:

а) биринчи синфга ҳар қандай қаватли бинолар асосий қурилмасини чидамлилиги ва ёнғинга чидамлилик даражаси 1 дан кам бўлмаган бинолар киради;

б) баландлиги 9 қаватдан кўп бўлмаган, чидамлилиги ва ёнғинга бардошлилиги 2 - даражадан кам бўлмаган бинолар киради;

в) баландлиги 5 қаватдан кўп бўлмаган чидамлилиги иккинчи даражадан кам бўлмаган ва ёнғинга бардошлилиги учинчи даражадан кам бўлмаган яшаш бинолари киради;

г) баландлиги учинчи даражадан кам бўлмаган турли бинолар киради. Яшаш бинолари қаватлилигига қараб кам қаватли (1—2), ўрта қаватли (3 — 5), кўп қаватли (11 — 16) ва баланд (16 дан юқори) қаватли. Хонанинг сонига караб бир хонали, икки хонали ва кўп хоналига бўлинади.

Яшаш биноларининг қаватлилигини ва уларни хонали режали тўзилиши, тўғри танлаш, шаҳар қурилиши ва архитектура жиҳатдан алоҳида яшаш шароитини яхшилашда социал масалаларни ечишда катта аҳамиятга эга.

Шаҳар ва шаҳар типидаги яшаш жойларида турар-жой биноларини қурилиши асосан кўп хонали, ўрта қаватли ва қаватли. Асосан 5-9 қаватли. Кўп хонали турар-жой биноларини ўзининг ҳажм режали тўзилишига қараб: секцияли, даҳлизли, галереяли ва учаласи умумлашган ҳолда бўлади. Кўпчилик турар жой бинолари секциали бўлиб, турар-жой қурилишининг 80%ини ташқил қилади. Лойиҳалашнинг асосий вазифаси замонавий эстетик физиологик талабларга жавоб берадиган, уларга қулай яшаш шароитини яратишдан иборат.

Функционал эҳтиёжнинг яшаш шароитини ҳамма тури учун қулай шароит яратиш йўли билан таъминланади: дам олиш, болаларни тарбия қилиш, хўжалик юритиш, ўзаро мулоқат, шахсий машғулот кишиларнинг физиологик хусусияти турар жойнинг санитар - гигиена талабларига яшаш муҳитининг физик сифатларида ўз аксини топади.

Уларга: ҳарорат, намлик, босим, ҳавонинг тозалиги, табиий ёритилганлик, ташқи шовқиндан тусилганлиги киради. Шу билан биргаликда яшаш бинолари техник ва иқтисодий талабга жавоб бериши керак.

Мустаҳкамлик, чидамлилик, муҳандислик жихозлари (сув билан таъминлаш, энергия, канализация ва ҳ.к.) ёнғин ҳавфсизлиги, яшаш жойини қуёш нури билан меъёрий таъминлаш, гигиеник ҳолатлар аҳамиятга эга.

Тўғри қуёш нурлари яшаш хоналаридаги муҳитни яхшилайди. Тирик организмлар яшашни яхшилайди ва микробларни ўлдиради. Қуёш радиациясини иссиқлик таъсири йилнинг иссиқ пайтларида 3 ва- 4 иқлим районларида хонанинг исиб кетишига олиб келади ва муҳитнинг ёмонлашувига олиб

келади. Шунинг учун ҳамма хоналар фойдали нормани олади ва қуёш радиациясининг зарарли таъсиридан ҳимояланган бўлиши керак.

Гигиеник талабга кўра яшаш хоналарни ҳар куни узуликсиз инсоляция қилиш керак. Яшаш жойни ташқи таъсир шовқинидан ҳимоя қилиш гигиеник талабларга хосдир. Узоқ ва қаттиқ давом этган шовқин кишининг нерв системасига ёмон таъсир кўрсатади. Ташқи таъсирни камайтириш мақсадида махсус шовқиндан сақлаш бинолари қурилади.

Яшаш хоналарини шовқиндан ҳимоя қилиш учун хоналараро шовқинни тутувчи деворлар қурилади; Яшаш хоналари учун гигиеник ҳарорат 18-20°С, ошхона учун 15-16°С. яшаш жойларидаги ҳаво муҳитининг ифлосланишини физиологик жараёнлар маиший ускуналарни ишлатишнинг газ плиталари, иситишнинг қурилмалари, чанг йиғилиш натижасида юзага келади. Ҳавони тозалаш асосан сурма шамоллатгичлар ёрдамида ҳавони алмаштириш билан амалга оширилади. Сурма шамоллатгичлар ошхонага, ваннага, хожатхонага ўрнатилиши мумкин. Хонада ҳавони тозалашда хона деразаларининг, форточкаларини очиб шамоллатиш катта фойда беради. 3 ва 4 иқлим районларида хонани шамоллатиш асосан тўғри ва бурчакли ҳолатда амалга оширилади. Турар-жой биноларининг гигеник ҳолат ва архитектура ўлчамларининг пропорционаллигига қараб уларнинг баландлиги, (қаватлилиги) аниқланади. Қаватларнинг баландлиги турар–жой биноларида подвалдан полгача 2,8 метр бўлиши керак. 3 ва ундан кўп қаватли бинолар сув қувури билан, канализация, марказий иситишга, иссиқ сув ва газ билан таъминланган бўлиши керак.

Олти ва ундан кўп қаватли бинолар лифт билан жиҳозланган бўлиши керак. Лифтларни ўрнатиш учун алоҳида машина ва блок хоналари бўлиши керак. Биринчиси қаватнинг ертўласи ёки чордоғига ўрнатилади, иккинчиси чордоқли қаватга лифт шахтаси ва зинапояли клетка устига ўрнатилади. Турар-жой биноларига ёнғинга қарши талаблар алоҳида аҳамият касб этади. Ёнғинга қарши талаблар ҳамиша турар-жой бинолари ва бошқа бинолар учун уларнинг ёнғинга бардошлилигига, қаватлилигига ва уларнинг умумий ўлчовига боғлиқ.

Яшаш туманларини режалаштириш ва қуриш қуйидаги асосий шаҳарсозлик талабларига жавоб беради: социал, функционал, санитар, архитектура - бадиий, ёнғинга қарши ва иқтисодий социал талабларга ҳар бир яшаш тумани аҳолига маданий - маиший хизмат кўрсатиш тармоклари билан таъминлаш киради.

Архитектура – бадиий талабнинг асосий вазифаси яшаш районларини режалаштириш ва қуришда очиқ жойдаги яшаш худудлари билан композицион бирлик яратишдир.

Режалаштириш ва қурилишнинг функционал талабига яшаш ноҳияларини атрофида кўкаламлаштирилган болалар майдончаси (300 — 600 м$^2$), кийим, мебель тозалаш майдончаси (0,1 м$^2$ 1 кишига), кийимларини қуритиш (0,15 м$^2$ 1 кишига) ва ахлат ташлаш учун (0,03 — 0,04 м$^2$ бир кишига) жойлар яратилиши керак.

Болалар майдончаси ва дам олиш жойи кўкаламзорлаштирилган жойда бўлиши керак. кўкаламзорлаштиришни майдони бинонинг қаватлилигига караб 2 — 5 қаватли уйларда 1,6 — 3,4 м$^2$ /1 киши, 6 — 16 қаватли уйларда

3—13 $м^2$ /1 киши.

Келажакда 10 $м^2$ /1 киши, кўкаламзорлаштириш учун асосан ҳар-хил дарахтлар, буталар, майсазор, гуллар экилади. Дарахтлар ва бўталарни ўтказиш дам олиш жойини, болалар майдончасини ҳимоялаш ҳисобига олинган ҳолда олиб борилади. Дарахтлар уйларнинг деразасидан 5 метр узоқликда ва бир-биридан ва ер ости коммуникациясидан 4 - 5 метр узоқликда ўтказилиши керак.

## Объектни умумий характеристикаси.

Тошкент шаҳрида турар-жой биносини капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш лойиҳаси. Режада тўғри шаклда кўрсатилган. Бино уч секциядан иборат. Бу бино 1985 йилда курилган. Капитал тузатиш группаси - II, ёнғинга бардошлик даражаси - II. Хоналарнинг баландлиги 2,75 метр. Конструктив схема — бикр кўндаланг деворли. Бино ўлчами режада 10.8 х 45.0 метр.

## Тадқиқот натижалари.

Тошкент шаҳрида турар-жой биносини капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш лойиҳаси текширилганда қуйидагиларга эга бўлинди:

Пойдевори-лентасимон, йиғма темир- бетон пойдевор блокларидан иборат.

Деворлари — ғиштли, ғишт маркаси М75, қалинлиги 380 мм.

Пардеворлари — ғиштли, қалинлиги 120 мм.

Ораёпмалари — ғовакли йиғма темир —бетон плиталардан иборат.

Сув тушиш тизимлари - ташқаридан ташкиллаштирилган, жолиблар ва сув тушадиган тарновлардан иборат.

Зинапоялари - йиғма темир -бетондан.

Ойна ва эшиклари - ёғочдан 1 ва 2 қаватли эски модефикацияли.

Бинодаги хоналарнинг жойлашиши КМваН, 2.08.01—94 «Яшаш бинолари» га тўғри келмаяпти.

а) хоналардан биридан —бирига ўтилади.

б) йўлаклари тор;

в) санитар техник хоналари қўшилган.

Пешайвонга ром қилинмаган.

Ташқи майдон табиий қуритилмаган.

Бизнинг биномиз, Тошкент шаҳрида турар-жой биносини капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш лойиҳаси яшаш биноси юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштирилиши керак, яъни модернизация қилиниши шарт.

**Қабул қилинган хулосалар:**

1. Ҳар бир хонадондаги хоналарни қайтадан режалаштирилади. Ҳар бир қават зина майдонида 2 тадан хонадон жойлаштирилган ва уч қаватли бино ўрнига тўрт қаватли бино қурилади, яъни қўшимча бир қават қурилади. Бу билан бу бинодаги
хонадонлар 27 та ўрнига қулайлиги режалаштирилиши юқори сифатга эга бўлган 24 та хонадон қурилади.

Ҳар бир қаватда 3 тадан 3 хонали ва 3 тадан икки хонали хонадонлар қилинди. Ҳаммаси булиб Тошкент шаҳрида турар-жой биносини капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш лойиҳаси

яшаш уйида, яна 24 хонадон бўлди. Бу ҳамма қулайликларга эга бўлган бино битирув ишининг график бўлимида кўрсатилган.

2. Пешайвонга (лоджия) ромлар ўрнатилади, ҳамма ёғоч буюмлар тозаланиб 2 мартадан мой буёқ билан мойланади.

3. Хоналарни капитал таъмир қилинди. Эски полларни янги полларга алмаштирилди. Бинони қуйидагича пардозланади. Янги қилинган ўзак гиштли пойдевор икки томонидан сувоқ билан сувалади. Фасадларни тозалаш ишлари яхшиланади, том қопламаси ва сув қувурлари, тарновлар краскаланади.

4. Ховлига қўшимча қулайлнклар бўлган болалар майдончаси, дам олиш майдони, дам олувчилар учун ўтириш жойлари (скамейка) қуриш мўлжалланди. Кўкаламзорлаштирилган майдонларнинг ҳажми кенгайтирилди. Болалар майдони уларни ўйнаши учун керакли асбоб ускуналар билан таъмирланди.

Худудий мувозанат жадвали

| № | Номланиши | Юза м2 | Таъмирдан олдин | % | Таъмирдан кейин | % |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қурилиш майдони | М2 | 1214.1 | 21 | 1214.1 | 21 |
| 2 | Кукаламзор майдони | М2 | 3785.9 | 65 | 3785.9 | 65 |
| | Болалар майдончаси | М2 | 100 | 1.7 | 150 | 2.5 |
| 4 | Дам олиш майдони | М2 | 60 | 1.3 | 80 | 1.3 |
| 5 | Хўжалик майдони | М2 | 70 | 1.3 | 78.5 | 1.3 |
| 6 | Аҳлат учун майдонча | М2 | 6 | 0.1 | 6 | 0.1 |
| 7 | Асфальт қилинган майдон | М2 | 480 | 8.2 | 500 | 8.5 |
| | Жами | М2 | 57160 | 100 | 5814.5 | 100 |

## Техник иқтисодий кўрсаткичлар

Турар жой биноларининг ҳажмий режали вазифаларини иқтисодий техник баҳолаш ва қурилишга ажратилган капитал маблағларни эффектини ва ҳаражатларини ўзида мужассамлаштиради. Алоҳида хоналарнп режалаштиришда яшаш майдонини ва умумий майдонни аҳамияти жуда катта бўлади.

| № | Номланиши | Юза $м^2$ | Курсаткич | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Модерниза -циядан олдин | Модерниза- циядани кейин |
| 1 | Яшаш майдони | $м^2$ | 264.0 | 586.0 |
| 2 | Умумий майдон | $м^2$ | 380 | 433.5 |
| 3 | Қурилиш майдони | $м^2$ | 486.0 | 585.0 |
| 4 | Қурилиш ҳажми | $М^3$ | 595.2 | 8775.0 |
| 5 | Ер усти қисми | $М^3$ | 1214.1 | 1214.1 |
| 6 | Рационаллик коэффициенти | - | 0.68 | 0.5 |
| 7 | Ҳажмий коэффициент | $м^2/М^3$ | 2.2 | 2.5 |

| № | Номланиши | Юза | Хонадондаги хоналарнинг майдони | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III |
| 1 | Умумий хона (мехмонхона) | м 2 | 15.0 | 15.0 | 17.5 |
| 2 | Ётоқхона (катталар) | м 2 | - | 12.5 | 13.0 |
| 3 | Ётоқхона | м 2 | - | - | 15.0 |
| 4 | Ошхона | м 2 | 8.9 | 4.3 | 4.3 |
| 5 | Санитар техник хона (қўшилган) | м 2 | - | 2.5 | 2.5 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6 | Йўлак | м 2 | 2.2 | 3.1 | 3.1 |
| 7 | Балқон | м 2 | - | 2.7 | 2.7 |
| 8 | Пешайвон | м 2 | 12.6 | 12.6 | 12.6 |
| 9 | Яшаш майдони | м 2 | 15 | 2.75 | 45.5 |
| 10 | Умумий майдон | м2 | 12.6 | 12.6 | 12.6 |
| 11 | Хонадонларни сони | дона | 9 | 9 9 | |

| № | Номланиши | Юза | Хонадондаги хоналарнинг майдони | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 |
| 1 | Умумий хона (мехмонхона) | $м^2$ | 16.56 | 16.06 |
| 2 | Етокхона (катталар учун) | $м^2$ | 16.9 | 16.46 |
| 3 | Болалар хонаси | $м^2$ | - | 13.1 |
| 4 | Ошхона | $м^2$ | 8.0 | 8.0 |
| 5 | Йўлак | $м^2$ | 2.5 | 1.63 |
| 6 | Ваннахона | $м^2$ | 3.5 | 3.5 |
| 7 | Ҳожатхона | $м^2$ | 1.3 | 1.3 |
| 8 | Балкон | $м^2$ | 2.64 | 2.64 |
| 9 | Пешайвон | $м^2$ | 12.6 | 12.6 |
| 10 | Яшаш майдони | $м^2$ | 33.46 | 45.56 |
| 11 | Умумий майдон | $м^2$ | | 33.60 |
| 12 | Хонадонларнинг сони | $м^2$ | 34.29 | 12 |

## ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯСИ ҚИСМИ

Конструктив схема, қурилиш ва конструктив схемани танлаш билан лойиҳалашнинг биринчи босқичда бетоннинг конструктив масаласи ҳам қайта кўриб чиқилиб ҳисобга олинди. Конструктив схема устиворлик, чидамлилик, мустаҳкамликни таъминловчи, бир-бирига боғланган вертикал ва горизонтал элементлардан иборатдир. Горизонтал кўтарма қурилмаси том ёпмалари ўзига тушаётган ҳамма вертикал ёруғликни олади ва қаватлар бўйлаб вертикал кўтарма қурилмасига деворга) узатади, кейин девор буни ўз навбатида асосга яъни пойдеворга узатади. Горизонтал кўтарма қоида бўйича босимларда тўсиқ вазифасини бажаради ва горизонтал оғирликни ташқи таъсирини (шамол, зилзила) ўзига олади ва бу таъсирлар кучини вертикал қурилмага, яъни деворларга узатади. Деворлар эса ўз навбатида тилга олиб ўтилган вазифани бажаради.

Баландлиги икки қаватдан кўп бўлган фуқаро биноларида, ёнғинга қарши горизонтал кўтарма қурилмалар қийин ёнадиган ёки ёнмайдиган бўлиши керак. Бундай талабларга темир бетон плиталар бемалол иқтисодий томондап ҳам жавоб бера олади. Бундай плиталар горизонтал кўтарма элемента сифатида жуда кўп бино ва иншоотларда қўлланилади. Вертикал кўтармали қурилмалар хилма-хилдир. Вертикал кўтарма қурилмаларининг қуйидаги турлари тафовут қилинади:

1. Яхлит стерженли кесим (зинчли устун)
2. Текис (деворпар)

Ҳажмий - фазовий (ҳажмий блоклар) архитектура қарорига

боғлиқ ҳолда ташқи кўтарма қават (балкон): призматик, цилиндрик, пирамида, тўғри тўрт бурчак ва бошқа формаларда ҳам бўлиши мумкин. Вертикал кўтарма қурилма (девор) турига қараб бино бешта қурилма системасига бўлинади;

а) синчли;

б) синчсиз;

в) ўзакли;

г) қаватли;

д) ҳажмий блокли.

Вертикал кўтарма қурилмаларни танлаш тақсимланиш ҳарактерига қараб горизонтал оғирлик ва таъсир ўртасида қурилма системаларини жойлаштириш асосий масаладир. У лойиҳани иқтисодга, архитектура композициясига ва режалаштиришга таъсир қилади.

Навбатдаги системаларни танлашда лойиҳаланаётган бинонинг типологик хусусиятларига унинг катталиги ва қурилишнинг муҳандис геологик шартлари ва бинони текшириш таъсир қилади.

Пойдевор - йиғма лентали темир бетон пойдевор блокидан ва В-15 типидаги бетондандир.

Деворлар М-75 маркали ғиштдан бўлган ғиштли девор. М-50 қоришма эритмасида, қалинлиги 580 мм бўлади.

Поллар - яшаш хоналарида тахта пол, санитар техник тармоқда эса керамик плитка.

Ром ва эшиклар - кўп ёриқлари бор, ҳолати жуда ёмон бўлиб, 60-70% янги ром ва эшиклар ўратилиши керак бўлади.

Ораёпма - ғовакли йиғма темир бетон плиталардан фойдаланилган.

Том икки нишабли бўлиб ёғоч панжарали, пўлат лист (тунка)

билан ёпилган.

Отмостка - (бинони пойдеворини ташқи томонидаги тўшама) эни бир метр, асоси шағал бўлган асфальт бетон.

Зинапоя – йиғматемир бетон сатҳли. Ҳар бир зина поясини баландлиги 15 см, баландлиги эса 30 см га тенг бўлиб, у 9 та зинапоядан иборатдир.

Муҳандис - геологик шартлар.

Навоий шаҳрини ниҳоялаштириш -(районлаштириш) ҳаритасига асосан пойдеворлар асосидаги грунт I типидаги ўта чўкувчан қумли лойдан иборат. Грунт сувлари ернинг ташқи қаватидан одатда 15 м чуқурликда бўладп.

Бетоннинг қурилишда грунларни ўта чўкувчанлиги, қават зичлиги методи билан йўқ қилинади. Навоий шаҳрини туманларга ажратишдаги сейсмик ҳаритага асосан бинолар 8 балли сейсмик худудда жойлашган. Туманлар ҳаритасига асосан шамолнинг ўртача тезлиги бўйича Тошкент шаҳри шамоллига киради. Норматив шамол оғирлиги 38 кгс/м$^2$. Қор оғирлиги бўйича Iкср ли ноҳияга киради. Норматив ҚМваН 2.01-94 бўйича қор оғирлиги 50 кг-с/м$^2$ . январ ойида ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати 15°С га тенгдир.

**Бинонинг муҳандислик таъминоти.**

Сув ўтказиш қувури — марказлаштирилган иссиқ сув билан таъминланган ертўланинг марказий қисмида жойлашган иссиқлик тармоғи орқали амалга ошади.

Канализация — уй ичидаги оқава бинодан чиқиб шаҳар канализация тармоғига уланади.

Иситиш - марказлаштирилган. Энергия таъминоти - трансформатор станцияси орқали амалга оширилади.

Газ таъминоти - марказлашган. Газ - табиий.

**Биноларнинг текшириш усуллари.**

Бинони текширувдан мақсад шу бинони синчиқлаб текшириб ва айрим конструктив элементларида шкасланиш ва дефектларни аниқлаш ва шу дефектларга олиб келиш сабаблартнт билиш.

Текшириш натижасида шу бинода қанақа ўзгартиришлар қанақа кучайтириш ишларини хулоса қилинади.

**Текшириш усуллари ва диагностика**

| | ҳарактеристикаси | аниқлиги |
|---|---|---|
| 1. Визуал<br>2. Механик усул | Бемалол кўриш мумкин | I |
| 3. Оддий асбоб — ускуна ёрдамида. Приборлар ёрдамида | Тошбетон, қисман ёғоч | II |
| 4. Бузулмас усул ёрдамида. | Бетон-метал, ёғоч | II |
| 5. Лаборатория ёрдамида | Проба олиш мумкин жойларда | III |
| 6. Натурал синаш Натижасида | Юклаш мумкин бўлган конструкциялар | IV |

Визуал усул ёрдамида текширишга қийин бўлган жойларда конструкция элементларини ҳолатини аниқлаш мумкин (фундаментлар, айрим балкалар).

Визул текширишда емирилиш усулини тадбиқ этилади, бир хил вақтда уриш ёрдамида аниқланади.

Бузилмас усулларда приборлар ултратовуш ва электр ўлчашларга асосланган. Бу усул жудаям кенг қўлланган.

Лаборатория усули эса фақатгина ёрдамчи ва диагностикани тасдиқлаш учун ишлатилади. Чунки фақатгина айрим пробалар ва намуналар синаш анализида бутун бинони ёки унинг конструктив

элементларини хулоса қилиш мумкин.

Натурал синашларни жудаям маъсулиятли ҳолатларда ишлатилади. Чунки улар энг аниқ маълумотлар бериши мумкин. Натурал синаш вақтида конструкция шкастланиши ва айрим вақтида бўзилиши мумкин.

Текшириш тизими асосан учта этаплардан иборат:

1. Визуал текшириш (1 стадия)
2. Инструментлар ёрдамида екшириш, лаборатория ёрдамида (2 - стадия)
3. Бинони конструктив схемасини аниқлаш (юк кутариш элементлари).

Визуал текшириш натижасида бинонинг ҳолатини аниқлаш

Текшириш натижасида куйидагилар аникланди:

1. Бинони вазифаси – турар-жой биноси
2. Қурилган йили - 1970 Йил
3. Қаватлар сони - 3 та
4. Капитал қурилиш бўйича гурух - II
5. Ёнғинга чидамлилиги даражаси - II
6. Конструктив схемаси - бикр, кўндаланг деворли
7. Сейсмик бўйича ноҳияси - 8 баллик
8. Грунт чўкувчанлиги - Г типдаги
9. Муҳандис - геологик шароит - Пойдевор асосидаги грунт ўта чўкувчан кумли лени иборат. Грунтли сувлар 15 м чуқурликда. Объектни қурилишида грунтнинг ўта чўкувчанлиги қаватма - қават зичлаш методи билан бартараф қилинган.
10. Фундамент – монолит - бетон лентасимон. Ҳолати

қониқарли, кўп ёриқлар ҳосил бўлган.

**11.** Деворлар М75 маркали ғиштдан. Қоришма маркаси М50. Деворни қалинлиги 380 см. Кичкина ёриқлар штукатурка қатламида қилинган.

12. Поллар яшаш хоналарда, каридорларда тахта пол, санитар тармокда керамик плитка, ошхонада - линолеум, ҳолати қониқарли.

13. Ойна ва эшикларда кўп ёриқ ар пайдо бўлган ҳолати эски модефикацияда.

14. Зинапоялар - йирма темир - бетондан, ҳолати қониқарли. Айрим зинапоялар шикастланган, ҳимоя қатлами тушиб кетган жойлар бор. Улар таъмирлаш вақтида ремонт қилинади.

15. Том - икки нишабли ёғоч панжарали, пулат листлар билан ёпилган. Ҳолати ёмон.

16. Отмостка эни 1 м ли асоси шағал бўлган асфальт бетон.

Саралаш бўйича ГОСТ 5781- 82 қабул қиламиз 27а билан $W_X$ =407 см$^2$ В 12,5 классдаги бетонни қабул қиламиз.

Бетонни синаш турига боглик тарзд намуналарнинг шакли ва меъёрий ўлчовлари ГОСТ 10180 га мос бўлиши лозим.

